


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 6 018,8 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 4 432,2 млрд. сўмни (103,9 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 1 462,0 млрд. сўмни (101,1 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 73,7 млрд. сўмни (103,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 40,6 млрд. сўмни (130,7 фоиз), овчилик хўжалигида 0,2 млрд. сўмни (97,6 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 10,1 млрд. сўмни (101,7 фоиз) ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркиби тузилишида энг юқори улуш дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 63,8 фоиз).

**2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)**



Деҳқончилик. 2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 4432,2 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 75,2 фозни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 288881 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 123725 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 119301 гектарни, шундан буғдой 118618 гектарни, маккажӯхори дон учун 3047 гектарни, шоли 591 гектарни, дуккакли дон экинлари 786 гектарни, техник экинлар жами 95569 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 95296 гектар, мойли экинлар 273 гектар, картошка 10094 гектарни, сабзавотлар жами 20378 гектарни, полиз 2113 гектарни, сабзавот экини уруғзорлари 47 гектарни, озуқа экинлари 36954 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 46064 гектарни ҳамда токзорлар 6340 гектарни ташкил этди.

Ҳосилни йигиб олиш. Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига жами дон 788703 тонна (99,1 фоизга), шу жумладан бошоқли дон 733480 тонна (97,1 фоизга), шундан буғдой 731172 тонна (97,3 фоизга), маккажӯхори дон учун 35177 тонна (123,0 фоизга) шоли 8940 тонна (158,0 фоизга), дуккакли донлар 11106 тонна (172,5 фоизга), пахта хом-ашёси 220437 тонна (96,2 фоизга), картошка 299406 тонна (98,4 фоизга), сабзавот 890063 тонна (102,6 фоизга), полиз


78077 тонна (100,2 фоизга), мева 477294 тонна (102,6 фоизга), узум 156638 тонна (122,6 фоизга) етишитирилди.

2017 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи машкилотлар	
	минг тонна	ўсии суръати, фоизда	минг тонна	ўсии суръати, фоизда	минг тонна	ўсии суръати, фоизда
Дон	684,9	102,4	94,4	80,1	9,3	101,3
Картошка	56,8	97,6	234,6	99,2	8,0	82,7
Сабзавотлар	159,5	96,0	729,2	104,3	1,4	80,5
Полиз	44,2	97,4	33,3	104,0	0,5	109,2
Мевалар ва резаворлар	304,8	99,5	166,1	109,6	6,4	87,7
Узум	14,3	72,8	139,6	132,4	2,8	101,3

2017 йилнинг январь-декабрида худудлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


Дон (тонна)




Картошка (тонна)




Сабзавотлар (тонна)




Полиз (тонна)



Мевалар ва резаворлар (тонна)



Ўзум (тонна)



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчилик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2017 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажми 1 462,0 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоизни (2016 йилнинг январь-декабрида 106,7 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 24,8 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 994,8 минг бошга (1,7 фоизга кам), шу жумладан сигирлар 356,5 минг бошга (0,3 фоизга кам), қўй ва эчкилар 835,4 минг бошга (0,7 фоизга), отлар 8 864 бошга (1,4 фоизга), паррандалар 5 735,5 минг бошга (7,1 фоизга) кўпайди.


2018 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>минг бош</i>	<i>ўсиши суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиши суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиши суръати, фоизда</i>
Йирик шохли қорамоллар	48,4	104,5	936,1	97,9	10,3	105,1
<i>ишу жумладан:</i>						
сигирлар	14,8	101,4	338,7	99,5	3,0	115,4
Кўйлар ва эчкилар	42,1	105,0	787,9	100,5	5,4	100,0
Паррандалар	1 240,0	117,1	7 523,0	99,2	101,0	101,0

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлирида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликлирида – 4,9 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равища – 95,0 ва 4,2 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 94,3 ва 5,0 фоизни, паррандалар – 67,8 ва 10,3 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 январь холатига худудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар**

Йирик шохли қорамоллар (минг боши)




шу жумладан: сигирлар (минг боши)



Қўйлар ва эчкилар (минг боши)



Паррандалар (минг боши)



2017 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 150,0 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,3 фоизга кўп), 934,2 минг тонна сут (2,7 фоиз), 358,0 млн. дона тухум (2,3 фоиз), 1 358 тонна жун (0,7 фоиз), 858,7 тонна пилла (-68,5 фоизга кам), 1307,3 тонна асал (11,4 фоиз) ишлаб чиқарили.

Бундан ташқари балиқчилик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, интенсив балиқ етишириш технологияларини вилоятда тадбиқ этилиши натижасида январь-декабрь ойларида балиқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 40,6 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 130,7 фоизни (2016 йилнинг январь-декабрида 129,3 фоизни) ташкил қилди.


Вилоятда 246 та фермер ва 27 тадан ошиқ балиқчилик фаолияти билан шуғилланадиган микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлири томонидан жами 6 798,1 тонна миқдорида балиқ (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 30,4 фоизга кўп) овланган.

2017 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Кишлоп хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	миқдори	ўсиши суръати, фоизда	миқдори	ўсиши суръати, фоизда	миқдори	ўсиши суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	5,8	100,4	138,3	101,3	5,9	103,4
Сут, минг тонна	37,5	93,1	889,1	103,2	7,6	93,3
Тухум, млн. дона	43,5	89,9	268,1	105,8	46,4	96,3
Жун, минг тонна	59,0	85,5	1 294,0	101,5	5,0	125,0
Пилла, тонна	810,2	31,4	-	-	48,5	35,0
Асал, тонна	139	100,0	1144	113,0	24,3	105,7
Овланган балиқ, тонна	5 002,2	121,0	290,0	107,8	1 505,9	185,8

2017 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг тонна)




Сут (минг тонна)



Тухум (млн. дона)



Жун (тонна)



Балиқ (тонна)

Кўқон ш	0,0
Марғилон ш	0,0
Сўҳ	7,2
Қувасой ш	36,3
Фарғона	50,4
Қува	62,4
Риштон	97,4
Ўзбекистон	113,8
Кўштепа	141,6
Олтиарик	174,6
Тошлок	219,0
Фарғона ш	341,0
Бувайда	383,6
Фуркат	389,6
Дангара	394,9
Учқўприк	484,9
Боғдод	831,9
Ёзёвон	1399,7
Бешариқ	1669,8

Асал (тонна)